

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 7 » ОКТЯБРЬ 2019 у.

№ 851

Toshkent sh.

**Замонавий заргарлик савдо-ишлаб чиқариш
марказларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 майдаги ПФ–5721-сон Фармони ижросини таъминлаш, ва замонавий заргарлик савдо-ишлаб чиқариш марказларини ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2019-2020 йилларда ҳудудлар кесимида замонавий заргарлик савдо-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш жадвали (кейинги ўринларда Жадвал деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ушбу қарор билан тасдиқланган Жадвалга “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга тайёрланган асосланган таклифларига кўра ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Жадвални амалга ошириш доирасида:

хўжалик юритувчи субъектлари (кейинги ўринларда ташаббускорлар деб аталади) билан бирга заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришдан сотишгача бўлган жараённи тўлиқ ўз ичига олувчи замонавий заргарлик марказларини (кейинги ўринларда заргарлик марказлари деб аталади) сифатли ва ўз вақтида ташкил этиш бўйича комплекс ташкилий-техник тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи тармоқ жадвалларининг ишлаб чиқилишини ва тасдиқлишини;

заргарлик марказларини асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ–5242-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилаётган хунармандчиликни ривожлантириш марказларида, шунингдек, тегишли ҳудудларнинг туристик йўналишларида жойлаштиришни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан бирга фойдаланилмаётган бино ва иншоотларни инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан ташаббускорларга заргарлик марказларини ташкил этиш учун белгиланган тартибда “нол” харид кийматида сотилишини таъминласин.

3. Ташаббускорларнинг ўз маблағлари, улар томонидан жалб қилинган кредитлар ёки қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар заргарлик марказлари фаолиятини ташкил этиш ва уларни жойлаштириш учун бинолар ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, шунингдек, зарур ташқи инфратузилмани ўтказиш ишларини молиялаштириш манбаалари ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги заргарлик марказларини қуришда лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизасидан белгиланган тартибда ўтказилишини ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли амалга оширилиши юзасидан тегишли қурилиш-архитектура давлат назорати ўрнатилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва Транспорт вазирлиги ташкил этилаётган заргарлик марказлари ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникацияларга белгиланган тартибда уланишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

“Ўзбекзаргарсаноати” ва “Хунарманд” уюшмалари билан биргаликда заргарлик марказларининг республикада ўтказиладиган халқ амалий санъати халқаро фестивалларида тизимли равишда иштирок этишини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда ташаббускорлар томонидан қабул қилинган инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан мониторингни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмасининг буюртманомаларига биноан заргарлик марказларини ташкил этилишида ҳамда республикада ўтказиладиган халқ амалий санъати халқаро фестивалларида қатнашувчи хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси буюртманомаларига биноан заргарлик марказлари фаолиятида ва республикада ўтказиладиган халқаро халқ амалий санъати фестивалларида қатнашувчи хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б.А. Хўжаев ва “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси раиси Д.Н. Саматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “7” ОКтябрдаги 851-сон қарорига
илова

2019-2020 йилларда ҳудудлар кесимида замонавий заргарлик савдо-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш жадвали

Т/р	Жойлаштирилган манзили	Лойиха ташаббускори	Лойиханинг йиллик қуввати (кг)		Лойиха қиймати (млн сўм)	Шу жумладан:			Ишга туширилиши
			олтин	кумуш		ўз маблағлари (млн сўм)	тижорат банкларининг кредитлари (млн сўм)	хорижий инвестициялар (млн долл.)	
Жами:			7 486,65	828,6	393 985,0	31 525,0	336 260,0	3,21	х
Қорақалпоғистон Республикаси			10	8	490,0	120,0	370,0	-	х
1	Нукус ш.	“Тлеумбетов Парахат Куралбаевич” ЯТТ	6	8	270,0	80,0	190,0	-	2019 йил декабрь
2	Нукус ш.	“Nukus Yuvelir Prom” МЧЖ	4	0	220,0	40,0	180,0	-	2020 йил сентябрь
Андижон вилояти			70	50	16 500,0	2 500,0	14 000,0	-	х
3	Андижон ш.	“Капитал Белла” МЧЖ	55	40	15 000,0	2 000,0	13 000,0	-	2020 йил сентябрь
4	Шаҳрихон тумани	“Ҳамкор бизнес савдо Шаҳрихон” МЧЖ	15	10	1 500,0	500,0	1 000,0	-	2020 йил март
Бухоро вилояти			27	54	15 000,0	4 500,0	10 500,0	-	х
5	Бухоро ш.	“Ғаллаосиё Омад Инвест” МЧЖ	15	30	10 000,0	3 500,0	6 500,0	-	2020 йил март
6	Бухоро ш.	“Бурханова Сабина” ХК	12	24	5 000,0	1 000,0	4 000,0	-	2020 йил март
Жиззах вилояти			1,25	11	780,0	200,0	580,0	-	х
7	Жиззах ш.	“Ишонкулов Илхом” ХК	0,5	5	550,0	150,0	400,0	-	2019 йил декабрь
8	Дўстлик тумани	“Шофиев Улугбек” ХК	0,75	6	230,0	50,0	180,0	-	2020 йил июль

Т/р	Жойлаштирилган манзили	Лойиха ташаббускори	Лойиханинг йиллик қуввати (кг)		Лойиха қиймати (млн сўм)	Шу жумладан:			Ишга туширилиши
			олтин	кумуш		ўз маблағлари (млн сўм)	тижорат банкларининг кредитлари (млн сўм)	хорижий инвестициялар (млн долл.)	
Қашқадарё вилояти			4	6,4	820,0	220,0	600,0	-	х
9	Шахрисабз ш.	“Dunag Gold” ҚК	2,2	3,5	550,0	150,0	400,0	-	2019 йил декабрь
10	Қарши ш.	“Хушвақтов Янгибой Жабборович” ЯТТ	1,8	2,9	270,0	70,0	200,0	-	2019 йил декабрь
Навоий вилояти			20	50	2 620,0	220,0	2 400,0	-	х
11	Навоий ш.	“Раҳмонов Зокир Явкочевич” ЯТТ	10	30	2 100,0	100,0	2 000,0	-	2020 йил июль
12	Зарафшон ш.	“Нарпулатов Фурқат Туймурадович” ЯТТ	10	20	520,0	120,0	400,0	-	2020 йил июнь
Наманган вилояти			50	100	3 000,0	3 000,0	-	-	х
13	Наманган ш.	“Дўстлик Савдо Комплекси” МЧЖ	25	50	1 500,0	1 500,0	-	-	2020 йил апрель
14	Наманган ш.	“З. Акбаров” ХК	25	50	1 500,0	1 500,0	-	-	2020 йил декабрь
Самарқанд вилояти			1,7	4,3	1 250,0	500,0	750,0	-	х
15	Ургут тумани	“Диёрбек Стома Сервис” МЧЖ	0,5	0,3	1 000,0	400,0	600,0	-	2020 йил декабрь
16	Каттакўрғон тумани	“Соипназаров Зафар” ХК	1,2	4	250,0	100,0	150,0	-	2020 йил март
Сурхондарё вилояти			40	80	12 600,0	4 600,0	8 000,0	-	х
17	Термиз ш.	“Акбар Термизий” ХК	20	40	4 000,0	1 000,0	3 000,0	-	2019 йил декабрь
18	Денов тумани	“Малика Мумтоз” ХК	20	40	8 600,0	3 600,0	5 000,0	-	2019 йил декабрь
Сирдарё вилояти			8,7	13,4	925,0	115,0	810,0	-	х
19	Гулистон ш.	“Байхонов Баҳром Тоир ўгли” ЯТТ	4,2	6,7	450,0	70,0	380,0	-	2020 йил сентябрь

Т/р	Жойлаштирилган манзили	Лойиха ташаббускори	Лойиханинг йиллик қуввати (кг)		Лойиха қиймати (млн сўм)	Шу жумладан:			Ишга туширилиши
			олтин	кумуш		ўз маблағлари (млн сўм)	тижорат банкларининг кредитлари (млн сўм)	хорижий инвестициялар (млн долл.)	
20	Гулистон ш.	“Сотволдиев Суннатилла” ХК	4,5	6,7	475,0	45,0	430,0	-	2020 йил сентябрь
Тошкент вилояти			4,0	31,5	800,0	50,0	750,0	-	х
21	Чирчик ш.	“Назирова Қобул Абдурахмонович” ЯТТ	3	30	500,0	-	500,0	-	2020 йил декабрь
22	Қуйичирчик тумани	“Шоира Бахтиёр” ХК	1,0	1,5	300,0	50,0	250,0	-	2020 йил декабрь
Фарғона вилояти			120,0	180,0	30 000,0	3 500,0	-	3,21	х
23	Фарғона ш.	“Gold City” МЧЖ	70,0	100,0	22 000,0	2 550,0	-	2,21	2019 йил ноябрь
24	Қўқон ш.	“Gold City” МЧЖ	50,0	80,0	8 000,0	1 000,0	-	0,8	2019 йил ноябрь
Хоразм вилояти			30	40	13 500,0	6 700,0	6 800,0	-	х
25	Урганч ш.	“Фарангиз-М” ХК	10	10	2 000,0	200,0	1 800,0	-	2020 йил декабрь
26	Хива ш.	“Янгиобод Отабек Сервис” МЧЖ	20	30	11 500,0	6 500,0	5 000,0	-	2020 йил сентябрь
Тошкент шаҳри*			7 100	200	295 700,0	5 300,0	290 400,0	-	Х
27	Шайхонтохур тумани	“Uzgold Jewellery” МЧЖ	1 000	100	30 000,0	5 000,0	25 000,0	-	2020 йил декабрь
28	Олмазор тумани	“Berill Gold” МЧЖ	100	100	300,0	300,0	-	-	2020 йил февраль
29	Чилонзор тумани	“Technology Development” МЧЖ	6 000	-	265 400,0	-	265 400,0	-	2020 йил декабрь

*) 2020 йил охирига қадар Тошкент шаҳрида заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришдан сотишгача бўлган жараёни тўлиқ ўз ичига олувчи замонавий заргарлик маркалари сони камида ўн тага етказилади.